



Tadqiqot **UZ**

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 DEKABR
№35

CONFERENCES.UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
12-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-12**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-12**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

1. Пардаева Гулзода Элмуродовна ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ	7
2. Xoliqova Mahliyo Alisher qizi BOLALAR KIYIMINING RIVOJLANISH TARIXI	9
3. Муродова Рисолат Даврон қизи ЭТНОГРАФИК КОЛЛЕКЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИАТИ.	12



МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ

Пардаева Гулзода Элмуродовна

Зарафшон шаҳар 12-умумий урта

таълим мактаби информатика фани уқитувчиси

Телефон: +998936633802

gulzoda_1984@umail.uz

АННОТАЦИЯ: Бугунги кунда ахборот олами, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Интернет олами, электрон почта, онлайн-видео, онлайн-видеоконференция, ахборот эркинлиги, глобал ахборот.

«Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараши ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Ахборот мавзуси инсоният тараққиётининг барча босқичларида муҳим аҳамият касб этиб, бугунги серқирра ва интенсив ҳаётимиз, глобаллашув жараёнларида эса ахборот янада долзарб масала бўлиб, эндиликда ахборотга эгалик, замонавий тизимларининг шаклланиши мамлакатнинг демократик ривожини сифатловчи омилга айланди. Юртбошимиз раҳнамолигида ўтказилган тизимли ислохотлар, яратилган мукаммал қонунчилик база, алоқа ва телекоммуникация соҳасида олиб борилган технологик модернизация ишлари туфайли мамлакатимизда замонавий ахборот соҳаси барпо этилди. Ўтган йиллар давомида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий юксалиши, ахборотга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборот эркинлигини таъминлаш мақсадида зарур технологик шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаши, олиши, уни тарқатиш борасидаги конституциявий нормалар миллий қонунларимизда ривожлантирилди. Шунингдек, халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратилишини эътироф этувчи нормалар қонунларимизда ўз аксини топди. Хусусан, бугунги кунда ахборот соҳасида 1254 та оммавий ахборот воситаси, шундан 100 ТВР, 1032 та Интернет-кафе, 939 та Интернет провайдер, 187 та давлат ахборот ресурси, «ZiyoNET» ёшлар ахборот портали, 1026 та ахборот-кутубхона муассасаси фаолият юритмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса тўққиз миллионга яқинлашиб қолди. Буларнинг барчаси фуқароларимиз, хусусан, ёшларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқининг ифодасидир. Глобал ахборот маконига реал кўз билан қарайдиган бўлсак, ҳозирда кенг жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, ахборот маконида носоғлом манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршилиқлар таъсиридаги агрессив ахборотларнинг Интернет сайтлар мавжудлиги, миллий ахборот маконимизга кириб келишидир. Ахборотлар тезкор Интернет орқали қабул қилинар экан, унинг аксарият фойдаланувчилари ёшлар ҳисобланади. Миллий сайтларимиз олдинда юрмасда, бошқа чет эл сайтлардаги каби «ўзига жалб қилиш» доирасини кенгайтирса, ёшларимиз миллий сайтларга биринчи бўлиб мурожаат қилиши мумкин бўлади. Ахборот



соҳаси либераллашаётган бир пайтда, узоқ-яқин мамлакатлардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа кучлар (120 га яқин давлат ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб бормоқда) ўзларининг Қаразли манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, ахборот эркинлигини суиистеъмол қилиб, ўсиб келаётган ёш авлодга ахборот таҳдидларини кўрсатиш орқали, ҳали онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитиш, уларнинг онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги интилишларини кучайтираётгани сир эмас. Носоғлом ахборот оқимларидан ёшларни ҳимоялашга оид дунёда қатор ҳуқуқий механизмлар яратилган. Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялашнинг механизмлари мавжуд. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунда «Ўзбекистон Республикасида ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда «Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намоиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намоиш этиш тақиқланиши» белгилаб берилган. Яқинда «Маърифат маркази» мажлислар залида «Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти» мавзуида бўлиб ўтган видеоконференция ҳам Қонунчилик палатаси депутатлари, ахборот соҳасининг мутахассис ва экспертлари, олимлар, ёшлар вакиллари бузғунчи ғоялар ва ахборот хуружларидан ёшларни ҳимоялашнинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди. Бугунги ахборот глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таълими самарадорлигини ошириш борасида қатор таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Ахборот асри даврида ёшларга ёпирилиб келаётган ахборотлардан фойдалана олишлари, хусусан, носоғлом ахборотлардан ҳимоялана олишлари, коммуникация воситаларидан тўғри фойдалана билишлари учун билим ва тажриба керак бўлади. Айнан мана шу борада улар катталар, айниқса, ота-оналар ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмагига муҳтож. Шунингдек, иштирокчилар томонидан ўсиб келаётган ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, Интернетнинг миллий сегментини ривожлантириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди. Видеоконференцияда ахборот маконининг глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, бунинг амалга оширишда жамиятимизнинг кенг қатламлари: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ота-оналар ва педагогларнинг кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди. Дарҳақиқат, ахборот маконида таҳдидлар бор экан, Миллий ахборот маконимизга чегара қўйиб бўлмайди. Шундай экан, ёшларга солом ахборот муҳитини яратиш, улар маънавий оламининг дахлсизлигини асраш асосий вазифаларимиздан биридир.



BOLALAR KIYIMINING RIVOJLANISH TARIXI

Xoliqova Mahliyo Alisher qizi,

Kamoliddin Behzod nomidagi MRDI, 2-bosqich magistranti,
5A150901 – Dizayn: Libos va gazlamalar mutaxassisligi
tel: +998900099369, xmahliyo@gmail.com

Annotatsiya: Bolalar kiyimining shakllanishi, bosqichma-bosqich rivojlanib, takomillashuvi va bugungi kungacha saqlanib qolgan kiyim turlari.

Kalit soʻzlar: syurtuk, bridji, krinolin, turnyur, parik, pinetka, velvet, kombinzon, dengizchi uslub, krujeva, batist, markizet, mayya.

Har tomonlama barkamol yetuk shaxsni tarbiyalashda estetik tarbiya alohida ahamiyatga ega. Atrofimizni oʻrab turgan turli narsalar olamida kostyum eng muhim oʻrinlardan birini egallaydi va shaxsiy estetik tarbiyalash vositasi sifatida xizmat qiladi. Kiyim inson uchun faqatgina uning tanasini atrof muhitning salbiy taʼsiridan asrovchi himoya qobigʻi boʻlibgina qolmay, uning oʻziga xos xususiyatlarini, ichki dunyosini ifodalovchi vosita hamdir. Ifodali obrazli hal etilgan kostyum insonning ichki goʻzalligini ochib berishga, uning oʻziga xos fazilatlarini yoritishga xizmat qiladi. Kostyum bu yaxlit ansambl boʻlib, uning diqqat markazida inson turadi. [1]

Tadqiqotchilar bolalar kiyimlari tarixini kuzatishlari boʻyicha, gotika davrida (1200-1450 yy) chaqaloqlar uchun umuman kiyim boʻlmagan, sababi bola bir parcha matoga qattiq qilib oʻrab qoʻyilgan, ayrim hollarda matoda kashta elementlari uchragan. Oʻsib-ulgʻaygan bolalar kiyimi, kattalarnikiga oʻxshash, faqat etaklari va yenglari qisqa edi. Bazm uchun boy oilalarning farzandlari xuddi ota-onalar kabi hashamatli kiyimlar kiyishgan.

Uygʻonish davriga kelib (1450-1600 yy) kiyimlarda oʻzgarishlar yuz berdi. Siluet kengaytirilgan koʻrinishni egalladi. Uch yoshdan boshlab bolalar kiyimida jinsiy yoshga qarab boʻlinish, boshlandi. Bu esa tikuvchilik va uni loyihalashga taʼsir qiladi.

XVII asrning oʻziga xos xususiyatlari (1600-1700 yy) savodxonlik, savdo aloqalarini kengaytirish, konstitutsiya kirib kelishi, diniy va siyosiy oʻzgarishlar sodir boʻladi. Bu vaqtida kiyimlar jamiyatning ramzi sifatida katta ahamiyatga ega edi. Bolalar kattalar kiyimi kabi kiyinishni davom ettirdilar. Zamonaviy uzun yenglar bolalar uchun yurishni oʻrgatishga xizmat qilgan. XVII asrdan boshlab, bosh kiyim va bolalar koʻylaklarida bezak kashta tikish shaklida paydo boʻladi. Chaqaloqlarni esa qattiq bogʻlab qoʻyishni toʻxtatdilar.

XVIII asr (1700-1800) - maʼrifat davri. Asrning boshi, erkaklar kiyimlarida oddiy yoki qoʻpol uslubga ustunlik berildi. Bu asrda bolalar tarbiyasi haqidagi fikrlar oʻzgardi, kiyinish uslubi faqat asrning soʻnggi choragida oʻzgaradi. Bolalar uzun va keng yubkalar va karset kiyib yurishgan. Asrning oxiriga kelib, 1760-yilda qizlar kiyimi ayollarnikidan farq qila boshladi. 1780-yilda yosh qizlar qisqa boʻyinbogʻlar, qisqa qirqimli koʻylak, kalta yeng va uzun bel koʻrinishida kiyinishgan. Kiyimlar asosan oq rangda, sharf-kamar rangli boʻlgan. Oʻgʻil bolalar, koʻylak kiyishni tashlab, 10yoshdan shim, keyinchalik kattalar kiyadigan kiyim syurtuk va bridji kiyib oldilar. 1790-yildan shimlar yuqori bel bilan bichilgan va yelka kiyimga tugma bilan qadalgan. Ushbu uslub “skelet kostyum” atalib, 1830-yillargacha 3 yoshdan 7 yoshgacha boʻlgan bolalar uchun urfda qoldi.

XVIII-asrning ikkinchi yarmida Angliyada bolalar kiyimlari tushunchasi, mustaqil moda yoʻnalishi sifatida paydo boʻldi. Shu vaqtgacha bolalar kiyimlari kattalar uchun kiyimning miniatyura nusxasi edi. Qadim zamonlardan oʻrta asrlarga qadar kattalar kiyimlari juda keng boʻlib, bolalar uchun maxsus kiyimlarni oʻylab topishning hojati yoʻq edi.

Birinchi jahon urushidan keyin, zamonaviy gigiena va salomatlik tushunchalari oʻz yoʻlini boshlaganida, yangi tugʻilgan chaqaloqlar “rasm ravishda” qoʻllarini va oyoqlarini harakatlantirish huquqini oldilar. Kichkintoylar uchun kiyimlar paydo boʻldi, qizlar uchun pushti va oʻgʻil bolalar uchun koʻk rang urfga kirdi.

XVIII-asrning 80-yillarida oʻgʻil bolalar nihoyat tor ofitser formalaridan qutulib, qulayroq kurtkalar kiyishni boshlashdi. Qizlar belbogʻli boʻsh muslin liboslarini kiyishni boshladilar. Qulay, yengil kiyimga boʻlgan qiziqish bolalar hayotini ancha osonlashtirdi. Biroz vaqt oʻtgach, oʻgʻil bolalar bizning davrimizga qadar boʻlgan moda, keng dengizchi shimlari va dengizchi yoqalarini mamnuniyat bilan qabul qilishdi. Ularning sochlari endi pariklari ostida qolmay, yelkalariga bemalol oʻralib turardi. Fransiya inqilobidan keyin, kattaroq bolalar uchun “kiyim kishanlari”



dan ozod bo'lish, “Ampir” uslubining ma’qullanishi bilan kirib keldi. Napoleon davrida qizlarga tizzagacha bo’lgan ko’ylaklar kiyishga ruxsat berilgan, ko’ylak ostida yashirin shimlar etaklari ko’rinib turar edi. 1845-yildan qizlar krinolin ostida yubkalar kiyib yurishgan, o’g’il bolalar esa kalta tunika kiygan qizlarga o’xshardi, bolalar tunikasi ostidan burmalar bilan bezatilgan ishton ko’rinib turgan. 1869-yildan 1875-yilgacha qizlar onalariga ergashib, turnyur (fil suyagi yoki yostiqlardan yasalgan murakkab andazali) ko’p qavatli burmalangan va taxlamali yubka, kiyishga majbur bo’lishdi va uning ustidan – jaket, ayolga “juda munosib” ko’rinish bergan. [2]

Qadim zamonlardagi an’analarga ko’ra kichkina o’g’il bolalarni ko’ylak kiyishi, o’sha paytda sud odob-axloq qoidalariga rioya qilish uchun bolalarga parik (yasama soch), krinolin, parcha matosi kiyishgan va boshqa tomondan, ularni nozik farishtalardek qabul qilishgan. O’g’il bolalarning liboslari na uslubda, na bezakda, na matolarda qizlarnikidan farq qilmagan. Ikkalasi uchun taqilma chap tomonda qilingan. Tantanali tadbirlarda bolalar oq paypoq va chiroyli poyabzal kiyishgan. Ushbu qulay va yengil poyafzallarning tarixi XIX asrning 70-yillariga borib taqaladi. Ularni birinchi marta mashhur fransuz poyabzal ishlab chiqaruvchisi Pine taklif qiladi. Shu sababli “pinetka” nomi bugungi kungacha saqlanib qolgan. Pinet ustaxonasidagi mahsulotlar laykra, zamsh, teri (buzoqlarning terisi sut bilan bo’yalgan) dan tayyorlangan.

Bolalar kiyimi bo’lgan dengizchi kostyum - XIX asrning o’rtalarida paydo bo’ldi, u bugungi kungacha sevimli va urfda bo’lib kelmoqda. “Kemachi” (matroos) so’zi bizning buyuk Pyotr davrida paydo bo’ldi, u o’zining butun gollandiya va dengizga bo’lgan muhabbat bilan mashhur. Shu asrning oxirida Jan Jak Russo Fransiyada, korsetning g’ayritabiiyligiga qarshi, og’ir va noqulay kiyimlarning zararini ko’rsatib, bolalar uchun maxsus kiyimni, moda yo’nalishiga olib kirdi. Mashhur axloqiy islohotchi ko’plab izdoshlariga ega edi. Yekaterina II Russo g’oyalarga qiziqib o’zining bolalar kiyimi variantini namoyish etadi, u ko’rinishidan kombinzonga o’xshab ketardi. XIX asrning birinchi choragiga kelib, rus yosh zodagonlari allaqachon dengizchi uslubida kiyinishni boshlashgan edi. Ba’zi tadqiqotchilarning fikriga ko’ra, bu kostyum rassom tomonidan ixtiro qilingan. Sog’liqni saqlash, chiniqish, harakat erkinligi, oq va ko’k ranglar moda haqidagi so’nggi g’oyalarga to’liq mos kelgan. Dengizchi uslubda, qulaylik, funktsionallik va romantikaning elementi birlashdi. Dengizchilar uchun ko’k va oqdan tashqari, quyruq qizil matolar oq bilan birgalikda ishlatilgan. Kostyumda bo’yinbog’ va langarning tasviri majburiy edi. Dengizchi uslubni qizlar ham kiyishgan, ular uchun oq rang afzal edi. Dengiz ramzlari bilan kiyimlar kattalar modasiga ham ko’chib o’tdi. Oq rang bilan ko’k chiziqli dengizchi kiyimda bo’lgan qizni ko’rish odatiy hol emas edi. Bunday kiyimlar yoshlikni, dam olishni, anglatgan.

Shu vaqtdan boshlab bolalarni kattalar kiyimidek kiyinishi noqulay bo’ladi. Agar bolalar va o’smirlar kiyimlarining ba’zi tafsilotlari kattalarga o’xshasa, ular didsiz va nazokatsiz deb hisoblanardi. O’sha davrdagi jurnallardagi maqolalarda velvet va atlas kabi matolar bolalar kiyimlari uchun yaroqsiz deb topilgan, shuningdek, bolalar uchun baland poshnali poyabzal kiyimaslik kerakligi haqida fikrlar bo’lib, biroq ayni paytda bolalar kiyimlarini krujeva (to’r) bezaklar bilan bezash tavsiya etildi.

Bolalar ichki kiyimlari faqat paxta matolaridan tikilgan: bu batist, markizet (o’raglan ipdan tayyorlangan yupqa shaffof mato), mayya (yupqa paxta mato), paxtali shoyi mato edi. Ichki kiyim faqat oq rangda qilingan. Rangli matolar “nosog’lom” deb hisoblangan, chunki ular to’qilgan va kimyoviy bo’yoqlar bilan bo’yalgan. XIX asrning 50-yillari oxirida, Rossiyada tikuv mashinasi paydo bo’lganidan so’ng, kiyimdagi barcha konstruktiv choklar tikilgan va faqat mayda ishlar qo’lda qilingan. Bolalarning ichki kiyimlari juda murakkab edi. Bunga matolarning sifati, bajarilishning aniqligi, kashtado’zlik, to’r, lentalarining murakkabligi va ko’pligi orqali erishildi. Qizlar va o’g’il bolalar uchun ichki kiyimning asosiy qismi ko’ylak bo’lib, u maqsadiga qarab to’piqgacha (tungi), keyin songacha (kunduzgi) tushadi. Ko’ylaklarda tor manjet, uzun yeng bor edi (yozgi ko’ylaklar yengsiz tikilgan). Ustki kundalik ko’ylak bilan siynaband kiyildi - orqa tomonida tugmalari bo’lgan zich matodan qilingan qisqa futbolka. Unga paypoq qisqichlari bo’lgan 2 yoki 4 ta rezina bantlar tikilgan.

Buyuk Pyotrning islohotlari natijasida yuzaga kelgan tarixiy sabablarga ko’ra, inqilobdan oldingi Rossiyada barcha kiyim-kechaklarga juda hurmat bilan munosabatda bo’lishgan. Maktab o’quvchilari, gimnaziyalar va kollejlarda bolalar kiyimlari shakllangan an’analardan chetda qolmadi. Bolalar nafaqat maktab vaqtida forma kiyishgan. Teatrda, mehmonga borganda, bolalar kechalari va ballarda ular forma kiyishlari kerak bo’lgan!

XX asrning boshlarida qizlarning kiyimlari XIX asrdagi kabi bir xil edi; yelka kiyim uchun



ko'ylak yoki bluzka, jemfir yoki sarafan, kashta bilan bezatilishi amaliy san'atdagi urfni eslatgan. Kiyimlarni himoya qilish uchun ular fartuk kiyishgan. Fransiyadagi o'g'il va qiz bolalar 1930-yillargacha fartuk kiyib yurgan. Keyinchalik qizlar kiyimlarida ayollar modasiga o'xshash; tekis, oddiy va qisqa belli liboslar, sviter va taxlamali yubkalar. Qish uchun to'g'ri bichimli palto mo'yna bilan kiyilgan. 12yoshdan qizlar oq, jigarrang yoki qora rangdagi chulki (choyshab) kiyib yurishgan. Keyinchalik tana rangida bo'lgan. Yevropa rivojlanishi natijasida, maktab-internatlar uchun forma maxsus kiyim joriy etildi. Aksariyat hollarda Britaniya maktablar va boshqa yevropa mamlakatlari maktablar shakli o'xshash bo'lgan. Ko'ylak sarafan, qisqa koketka va taxlamali bo'lib, old qirqim to'rt burchak shaklida edi. Rangi to'q ko'k, to'q yashil yoki jigarrang rangda. Sarafan ko'ylakni oq yoki krem rangidagi bluzka yoki ko'ylak bilan kiyib, ustidan bo'yinbog' taqilgan uning rangi boshqa ranglardan farqi uchun o'zgacha bo'lgan. O'g'il bolalar ko'chada silliq ingliz blazer yoki kostyumlar kiyilgan. Qiz bolalar ko'chaga tafta, ipak yoki muslindan qilingan ko'ylak, uzunligi oyoq to'piqqacha bo'lgan. 1920-yildan liboslar uzunligi tizzagacha bo'ldi. Odatda ustki kiyim plashlar barxat (velvet) bo'lib, ichi ipak astarli qilingan. [3]

XIX-asrda bolalar kiyimidagi moda yo'nalishlari sezilarli o'zgarishlarga duch keldi. Kiyimlar juda rang-barang va yorqin bo'lib bormoqda. Bolalar applikasiya (ilova) lari bilan kiyimlar ayni urfdagi deb hisoblanadi. Tadbir va bayramlar uchun kiyimlar alohida ishlab chiqilmoqda: qizlar uchun bal zallari uchun liboslar va o'g'il bolalar uchun rasmiy kostyum bilan bo'yinbog' (kapalak). Bolalar kiyimidagi aksessuarlarga ko'proq e'tibor qaratilmoqda – endilikda qizlar rasmiy libosiga hamroh bo'lishi uchun maxsus sumkalar sotuvga chiqarilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. “Libos dizayni ma'ruza matni”, Hasanboyeva G.K., Toshkent 2014y.
2. “Bolalar trikotajlari assortimenti va sifat tahlili”, Jiguliya M.G. Omsk 2013y.
3. “Bolalar kiyimidagi konstruktiv va kompozitsion yechimlari”, Yazovskix N.N. Barnaul 2016y.



ЭТНОГРАФИК КОЛЛЕКЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.

Муродова Рисолат Даврон қизи

Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти,
музейшунослик йўналиши 1 курс магистранти

Телефон: +998(99)7957187.

risolatmurodova693@gmail.com

Анотация: мазкур изланишда этнографик коллекция тушунчаси ва унинг моҳияти таҳлил этилган ва ёритиб берилган.

Калит сўзлар: этнографик коллекция, музей, этник гуруҳ, коллекционер, ибодатхона, экзотик ҳаёт.

Этнографик коллекциялар-муайян этник гуруҳ ёки этник гуруҳ маданиятини ифодоловчи объектларнинг тизимли тўплами. Борлиқ муҳитидан олиб ташланган объектлар фақат этномаданий маълумотлар сақланиб қолган тақдирдагина коллекциялар доирасида тўлиқ мавжуд бўлиши ва музей экспонатига айланиши мумкин.

Этнографик коллекцияларга моддий маданият объектлари яъни маълум бир вақт оралиғида моддий жиҳатдан мавжуд бўлган буюмлар хусусан: Меҳнат куроллари, турар-жой бинолари, озиқ-овқат (маданий ўсимликлар ва уй ҳайвонлари), кийим-кечак, заргарлик буюмлари, транспорт, алоқа воситалари ва ҳоказолар.

XIX асрга келиб этнографик коллекциялар музейларнинг ва шахсий

коллекционерларнинг кенг тарқалган коллекция турига айланиб борди. Илк этнографик тўплам яратиш Россияда XVIII асрда яъни моддий ва этник жамоаларга тегишли бўлган ғайриоддий нарсалар Сибир, Волга ва Кавказ экспедицияларидан олиб келинган пайтдан бошланган. Биринчи этнографик тўпламлар Петербургдаги Кунсткамера таркибида паёдо бўлган. XIX асрда этнографик коллекциялар музейлар ва шахсий коллекцияларда кенг тарқалган коллекция турига айлана бошлаган. 1848 йилда Санкт-Петербургда Рус этнография жамиятининг Этнография музейи, 1867 йилда Румянцев музейининг бўлинмаси сифатида Дашковский этнографик музейи ва Россия музейининг этнографик бўлими ташкил этилди. XX асрга келиб этнографик коллекциялар ихтисослашиб борганлиги сабабли, улар географик, этник ва предмет тамойиллари билан фарқ қила бошлаган.

Этнографик коллекция куйидаги белгилар орқали ажратилади: Шакл, материал, безак ва сюжет. Музейда этнографик коллекциялар жаҳон музей тажрибасига кўра энг қимматли тўпламлардан бири ҳисобланади. Негаки, тўплам ўзининг хусусиятига кўра тарихий ва маданий аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, уларнинг барчаси бизнинг заминимизда, шу ерда яшовчи одамлар томонидан яратилган, гўзаллик ҳақида ўзига хос тасаввурга эга бўлган, бошқа урф-одатлар билан алоқада бўлган ва бу жараёнда ҳудудимизга хос бўлган хусусиятларга хосдир.

Тарих давомида инсоният муқаддас қийматга эга бўлган, когнитив ва эстетик нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотадиган нарсаларни тўплаган ва сақлашга интилган. Этнографик коллекцияларнинг пайдо бўлишини тўпламларда бошва этник гуруҳлар томонидан ишлаб чиқарилган экзотик буюмлар пайдо бўлган вақтга боғлаш мумкин. Бундай нарсаларни сайёҳатчилар кўп миқдорда олиб келишган. Маълумки, тўпламларнинг асл сақланадиган жойлари ибодатхоналар бўлган. Маъбадларнинг ичкарасида ва ташқарисида табиий ва сунъий ғаройиб нарсалар, шу жумладан узоқ мамлакатлар аҳолисининг экзотик ҳаёти учун аксессуарлар жойлаштирилган. Шундай қилиб, Мисрнинг Иерполис шаҳрида, Сурия маъбудаси ибодатхонасида “варварлар” кийимларини, Ҳиндистондан келган тақинчоқларни кўриш мумкин.

Буюк географик кашфиётлар этнографик коллекцияларнинг ривожланишига кучли туртки берди. Америка, Африка, Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқнинг илгари номаълум оламлари европалаикларнинг кўз ўнгида пайдо бўлди. Экзотик кийим-кечак ва куроллар, идиш-товок, уй-рўзғор буюмлари, эътиқод буюмлари дастлаб денгизчилар воситаси орқали, сўнг махсус агентлар орқали олиб келина бошланган. Этнографик коллекциялар маданияти Уйғониш даври тенденцияларининг тарқалиши билан боғлиқ бўлиб, коллекционерларнинг



бошқа халқларнинг маданий меросига бўлган алоҳида муносабатини акс эттирди. Этнографик объектларнинг тўпланиши қизиқувчанлик билан боғлиқ эди. Бу ҳаракат янги кашфиётчи олимларни кашф этишга ундади.

Уйғониш даври одамлари интеллектуал безовталиқ, атрофидаги бутун дунёни ва унинг ривожланиш қонунларини билиш истаги билан ажралиб турарди. Уйғониш даври шахсининг атрофидаги дунёни идрок этиш истагининг оқибатларидан бири аллақачон мақсадли хусусиятга эга бўлган йиғишнинг тез гуллаб яшнаши эди. Коллекционерларнинг диққат марказида биринчи навбатда қадимий мерос бўлган, чунки у билимнинг асосий манбаи ҳисобланган. Ҳайкалтарошлар ва рассомларнинг асарлари, қўлёзмалар, тангалар, тош ва металлга битилган ёзувлар ва ҳоказолар. Аммо инсоннинг диққатини ҳамма нодир ва ғалати нарсалар, жумладан номаълум халқлар ижоди ҳам ўзига тортди. Бу даврда этнографик коллекциялар асосан қизиқувчилар кабинетида жамлана бошлади.

Этнографик коллекцияларнинг илмий жиҳатдан қўлга киритилиши XVIII асрдан пайдо бўлмаган, балки бундан ҳам олидинги асарларда пайдо бўлган. Бу даврда табиат тарихи билан бир қаторда кўплаб музей коллекциялари этнографик ва археологик коллекцияларни ҳам ўз ичига олган бўлса, кейинги асрларда фаннинг табақаланиши жараёнининг ривожланиши уларнинг яққаланишига ва улар ихтисослаштирилган музейларнинг шаклланишига ёрдам берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. См.: Коновалов, А. В., Тимофеева, Е. Я. Понятие «этнографический предмет» Текст. / А. В. Коновалов, Е. Я. Тимофеева // Проблемы комплектования, научного описания и атрибуции этнографических памятников. Л., 1987. - С. 16 -22.
2. Основы этнографии / ред. С. А. Токарев. М., 1968.- С. 5.
3. Молчанова Н.В. Проблемы экспонирования этнографические предметов в музеях Российской Федерации / Маг. диссертация. – Санк-Петербург, 2016. – С. 31.

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(12-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
